

## ҚЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7743569>



ELSEVIER



Received: 16-03-2023

Accepted: 17-03-2023

Published: 22-03-2023

### Парпиева Одинахон Рахмановна

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти катта ўқитувчиси.

Email: o.r.parpiyeva@pf.fdu.uz

Тел.раками: +99(890) 536-24-45



**Abstract:** Ушбу мақолада қўкрак бези саратони, унинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, қўкрак бези саратонининг эрта аниқлаш ва ташис кўйиш, қўкрак бези саратонининг турлари, белгилари, даволаш ва олдини олиш усуллари тўғрисида матьумотлар келтирилган.

**Keywords:** ўсма, гормон, эстроген, хайз, радиация, ирсий мойиллик, менопауза, мутация, пролеферация, маммография, кимёвий терапия, нур терапияси, иммунотерапия, мастопатия.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 16-03-2023

Accepted: 17-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** This article provides information on breast cancer, factors that cause it, early detection and diagnosis of breast cancer, types of breast cancer, symptoms, treatment and prevention methods.

**Keywords:** tumor, hormone, estrogen, menstruation, radiation, genetic predisposition, menopause, mutation, proliferation, mammography, chemotherapy, radiation therapy, immunotherapy, mastopathy.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Дунё микёсида бугунги кунда фертил ёшидаги аёллар орасида сут бези касалликлари сонининг ортиб бориши кузатилмоқда. Дунёда қўкрак бези саратони аёллар орасида учрайдиган энг кўп ва кенг тарқалган ўсма касалликлари гурухига киради. Дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда хам қўкрак бези саратони, ундан кейин бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида кенг тарқалган саратон хасталиги хисобланади. Касалликлардан ўлим қўрсаткичи бўйича эса, барча ёшдаги аёллар ўртасида қўкрак бези, ошқозон саратони ва учинчи ўринда бачадон бўйни саратони турди.

Кўкрак бези саратони касаллиги билан касалланиш қўпроқ 50 ёшдан ошган, генетик касалликка эга бўлган, кўп спиртли ичимлик истеъмол қиласидиган, фарзанд кўрмаган, ёши 30 дан ошганда илк бор она бўлган, фарзандини қўкрак сути билан боқмаган, эстроген гормонал дори воситаларини 1 йилдан кўп вақт давомида қабул қилган, радиация таъсирига учраган аёлларда учраши олимлар томонидан аниқланган. Лекин сўнгги йилларда касаллик ёшариб бормоқда. Статистикага кўра жаҳонда ҳар ўн нафар аёлдан бирига қўкрак саратони хасталиги хавф соляпди

Ривожланган давлатларда ушбу касаллик бироз камайган, бунга сабаб касалликни аниклашда замонавий текширувлар ўйлаб топилгани ва даво чораларининг самарадорлигидир.

Атмосферадаги радиация, озиқ-овқат махсулотларида кимёвий воситаларнинг кўплиги, гормонал бузилишлар, ирсий омиллар, стресслар онкологик касалликларга сабаб бўлмоқда. Кўкрак бези саратони пайдо булишига ва ривожланишига ҳеч қайсиси облигат бўлмаган турли эндоген ва экзоген омиллар таъсир қўрсатади. Кўкрак бези саратони келиб чиқишига турли хил омиллар сабаб бўлишига қарамай, асосий ўринни ирсий мойиллик ва гормонал ўзгаришлар эгаллайди. Ирсий мойилликка боғлиқ бўлган саратон тахминан 9 % ни ташкил қиласи (BRCA-1,BRCA-2 ва BRCA-3 генлар мутацияси). Айниқса эстероген гормонларнинг таъсири натижасида ўсма келиб чиқиш хавфи юқори бўлади. Касаллик ривожланиши секин, узок вақт давомида белгиларсиз кечади, баъзи ҳолларда касаллик шиддат билан ривожланиши ҳам мумкин. Кўкрак бези саратонининг самарали давоси уни эрта аниқланилганда гина амалга ошади.

Ўсма пайдо бўлишига қўйидаги омиллар сабаб бўлади:

1. Қариндошлари орасида ўсма касаллиги билан касалланганлар бўлиши;
2. Ҳайз кўришнинг эрта ёшларда 12 ёшдан аввал бошланиши ёки климакс даврининг кеч бошланиши (55 ёшдан кейин). Булар эстероген гормонининг фаоллиги билан тушунтирилади;
3. Организмдаги бошқа аъзоларда пайдо бўлган ўсмалар;
4. Турли хил ирсий омиллар;
5. Радиация таъсири, масалан нур терапияси, қайта-қайта рентген нурлари билан текширувлар, экологик салбий худудларда яшовчилар ва ишловчилар;
6. Кам ҳаракатли ҳаёт тарзи кечиравчи аёлларда;
7. Спиртли ичимликлар ичиш ва тамаки чекиши;
8. Назоратсиз гормонал контрацептив воситалар қабул қилиш, узок муддатли гормонал терапия;
9. Кўкрак бези саратони туғмаган аёлларда ва биринчи ҳомиладорлиги кеч бўлган (35 ёшдан кейин) аёлларда келиб чиқиш хавфи юқори;
10. Илмий изланишлар натижалари қўрсатишича, узун бўйли аёллар ва тана вазни ортиқча аёллар менопауза вақтида кўкрак бези саратони билан касалланиши кўпроқ учрайди.

Юқорида санаб ўтилган хавф омиллари тўғридан-тўғри ўсма пайдо қилмайди, шунчаки саратон келиб чиқишига мойилликни оширади. Шу қаторда узун бўйли ва семиз аёлларнинг барчаси ҳам саратон билан

касалланавермайди. Албатта күкрак бези саратони келиб чиқиши учун бир эмас, бир неча факторлар рол үйнайды.

Күкрак бези саратони ривожланишини юқори мойиллиги гормон продуцировчи аъзолар функциясини бузилиши билан боғлиқ. Тухумдонлар, буйрак усти бези, қалконсимон без, гипофиз, гипоталамик система функциясини бузилиши муҳим аҳамият касб этади. Эрта хайз кўриш ва кеч менопауза күкрак бези саратони ривожланиш даражасини ошириши аниқланган.

Сўнгти йилларда күкрак бези саратони ривожланишида генетик бузилишларга катта аҳамият берилмоқда. Адабиётларда ёзилишича, икки тип молекуляр бузилишлар: генлар мутацияси ва ҳужайравий пролеферация индукцияси саратон ривожланишига олиб келади. (Семиглазов В.Ф.2001). Мутация ҳужайра ўсиши, дифференциалланиши ва ҳужайра ўлимини бошқарувчи масъул генларда содир бўлади. Натижада бу генлар активацияланади ёки инактивацияланади. Пролеферация ёрдамида ўсма пайдо қилувчи эффект ҳосил бўлади.

Күкрак бези саратонининг эрта диагностикасига ўз-ўзини текшириш ва шифокор-маммолог кўригидан ўтиш киради. 40 ёшдан ошганда йилда бир маротаба маммография текширувидан ўтиб туриш керак.

Күкрак безини мустақил равишда текшириш ҳар ойда, хайз циклининг 5-7 кунларида ўтказган яхшироқ. Текшириш вақтида күкрак безларининг симметриклигига, тери қопламаси ва сўргичлар ҳолатига, күкрак безининг ҳажмига эътибор қаратиш лозим. Пайпаслаб кўришни ётган ёки ўтирган ҳолда ўтказиш мумкин. Ҳар бир күкрак безини галма-галдан, сўргичлардан бошлаб танасининг охиригача пайпаслаб кўриш керак. Күкрак безидаги ҳар қандай қаттиқлик ва зичлашган ҳосила касалликка шубха қилишга асос бўлади. Бундан ташқари қўлтиқ ости соҳасидаги лимфа безларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ҳар қандай гумон қилинаётган ҳосила аниқланса, дарҳол мутахассис шифокорга мурожаат қилиш зарур.

#### Диагноз қўйиш учун текширувлар:

- Маммолог кўриги;
- Маммография;
- Дуктография;
- УТТ (УЗИ);
- Пайдо бўлган ҳосила биопсияси;
- Сўргичдан келган ҳар қандай патологик суюқликни лаборатор анализи;
- Қонни гормон ва онкомаркерларга текшириш;

**Бу жуда мұхим!** Күкрак бези саратони эрта диагностикаси учун 40 ёшдан ошған аёллар бир ғилда 1 маротаба 3 хил текширувдан үтиб туришлари шарт: маммография, гормонал ва онкомаркерларга қон анализи.

Күшимча текширув усуллари:

- Күкрак қафаси рентгенографияси;
- Компьютер томографияси;
- Суяклар текшируви;
- Қорин бұшылығы УТГ (УЗИ) текшируви.

Бошқа ұсма касаллеклари каби күкрак бези саратонини ҳам эрта муддаттарда аниклаш қийин, чунки касаллик белгиларсиз бошланади. Агар күкрак безида оғриқлар, шиш, дискомфорт, сұргичлар катталашыши, сұргичлардан оқған патологик суюқликлар ва шу каби ҳолатлар кузатилса, дархол шифокор күригидан үтиш керак.

Тиббий амалиётта күкрак бези саратонининг бир неча турлари фарқланади:

**Тугунли күриниши** - күкрак безида юмалоқ ёки ногұғри шаклдаги, ушлаб күрилганда оғриқсиз бұлған ҳосила пайдо бўлади. Қўллар билан шу ҳосила ушланганда тери остидан бўртиб турганлиги ва терининг ўзгарганлиги билинади. Касалликнинг сўнги босқичларида терида яралар, күкрак безининг деформацияси, қўлтиқ ости ва ўмров ости лимфа безлари катталашади.

**Шишли-инфилтрат тури** - бундай турдаги күкрак бези ұсмаси кўпроқ ёш аёлларда учрайди. Ұсма бутун күкрак безини эгаллаб олиб, палпация қилинганда оғриқ чақиравчи бўлади. Ушбу соҳадаги тери апелсин пўсти каби бўлиб қолади, сұргичлар атрофида шиш пайдо бўлади. Қўлтиқ ости лимфа безлари катталашади.

**Маститсимон тури** - хар қандай ёшдаги аёлларда учрайди, кўпроқ ёш аёлларда кузатилади. Касаллик натижасида күкрак бези шишади ва ҳажми катталашади, тана ҳарорати ва маҳаллий ҳарорат кўтарилади. Күкрак безида зич қаттиқ ҳосила пайдо бўлади.

**Сарамассимон (рожа) шакли** - бундай ұсма касаллиги сарамас (рожа) яллиғланиши каби кечади. Күкрак безида қизариш ва нотекисликлар, безининг қаттиқлашиши кузатилади. Палпацияда ҳеч қандай тугунлар аниқланмайди.

**Зирхли шакли** - ұсма хужайраларининг үсиши бутун күкрак бези териси ва тери ости ёғ қавати бўйлаб тарқалған бўлади. Касаллик иккинчи күкрак безини ҳам қамраб олиши мумкин. Саратоннинг бу турида үзига хос жихат шуки, бунда күкрак бези ҳажми кичраяди, унинг териси зичлашади ва без ҳаракатчанлиги чекланади.

**Педжет саратони** - ўсма касаллигининг энг кам учрайдиган тури, умумий ўсма касалликларнинг 5 % ини ташкил қиласди. Кўкрак безида яралар, тери деформациялари, сўргичлар атрофида тугун пайдо бўлиши, қичишиш билан кечади. Кечки босқичларда метастазлар беради.

Бугунги кунга келиб кўкрак бези саратони барча ўсма касалликлари орасида энг яхши ўрганилган касалликдир. Уни эрта муддатларда аниқлаб самарали даволаса бўлади.

**Кўкрак бези саратонини даволашда** 5 йил давомида яшаб қолиш кўрсаткичи деган тушунча кенг ишлатилади. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, шунча тузалиб кетиш эҳтимоли юқори бўлади. Кўкрак бези саратонини замонавий тиббиётда даволаш операция, кимё ва нур терапияси, гормонал ва иммунотерапияни ўз ичига олади. Бу касалликда даво чоралари ҳар бир аёл учун индивидуал ва бир неча усувлар комплексидан иборат бўлади.

**Жарроҳлик йўли билан даволаш.** Бу даволлашнинг асосий усувларидан бири. Ўсманинг ўчамларига қараб кўкрак бези сақлаб қолиниш ёки бутунлай олиб ташланиши мумкин. Буни даволовчи шифокор халқ қиласди. Касалликнинг асосий давоси бўлиб операция ҳисобланади. Замонавий жарроҳлик амалиётлари максимал даражада соғлом кўкрак безини ва унинг қисмларини сақлаб қолишга қаратилган. Операциядан кейин одатда кимё ва нур терапияси буюрилади.

Касалликни медикаментоз давосида цитостатик препаратлар - ўсма ҳужайраларини ўсишдан тўхтатиш ва йўқотиш мақсадида ўtkазилади. Бу препаратларнинг ножӯя таъсирлари кўплиги сабабли медикаментоз даво қатъий кўрсатмалардагина буюрилади.

**Кимётерапия.** Бу даволаш турида турли кимёвий дорилар қўлланилади. Кўпинча жарроҳликдан олдин ёрдамчи восита ёки жарроҳликдан сўнг касаллик қайталамаслиги учун ишлатилади. Кимётерапия одатда 3-6 ой мобайнида қўлланилади, нихоят даражада организмга заҳарли таъсир кўрсатади. Кон ҳосил бўлиш, иммунитет жараёнларини бузулишига, соч, қош-киприкларни тўкилишига олиб келади.

**Радиотерапия ёки нур терапияси.** Бу усуlda ўсимта кучли рентген аппаратига ўхшаш асбоблар орқали нурлантирилади. Бу ёрдамчи усул дард қайталамаслиги учун жарроҳликдан сўнг ёки олдин операцияга тайёрлаш учун тайинланади. Кимётерапиядан фарқи унчалик заҳарли эмас, лекин мураккаб, ҳар доим ҳам тайинлаб бўлмайдиган усул.

**Кўкрак бези саратонида гормонал терапия.** Кўкрак бези саратони эстероген гормонлари таъсирида ривожланишини ҳисобга олиб, унинг давосида гормонал препаратлар ҳам тавсия этилади. Бу усулининг

самарадорлиги ўсма ҳужайраларининг гормонларга сезгирилиги бўлсагина билинади. Гормонал давога тухумдонларни олиб ташлаш ҳамда гормонал препаратлар буюриш киради. Улар шифокор томонидан қатъий индивидуал равишда буюрилади. Даво режасини тузишда шифокор ўсманинг ҳажми, маҳаллий ва узок метастазларни, лаборатор ва инструментал текширувлар натижаларини, беморнинг умумий ахволини инобатта олади.

**Мақсадли терапия.** Кўкрак бези саратонини даволашнинг энг замонавий усусларидан бири. Ўсимта ҳужайраларини молекуляр генетик ўрганиш ва уларнинг маълум бир дорига сезгирилигини аниқлашдан кейин буюрилади. Мақсадли терапия саратон ҳужайраларини нишонга олганлиги сабабли, улар кимётерапия ёки радиация терапиясига қараганда камроқ ён таъсирга эга. Мақсадли терапия кимётерапия самарасиз ёки унга қўшимча бўлганда кўрсатилади.

**Иммунотерапия.** Ўсимта ҳужайралари билан курашиш учун тананинг ўз иммунитетини фаоллаштирадиган воситалардан фойдаланиш. Иммунотерапия жарроҳлик даволаш мумкин бўлмагандан, шунингдек, уч марта салбий кўкрак бези саратонида кўрсатилади.

Кўкрак бези саратонининг давосида муҳим жиҳатлари беморнинг психологик ва социологик ҳолатини тиклашдир. Кўкрак безлари олиб ташланганда косметик жиҳатдан қайта тиклаш мақсадида пластик операциялар ўтказилади.

Бугунги кунга келиб кўкрак бези саратони барча ўсма касалликлари орасида энг яхши ўрганилган касалликдир. Уни эрта муддатларда аниқлаб самарали даволаса бўлади. Индивидуал прогноз ўсманинг ҳажми, жойлашган жойи, ривожланиш даражаси ва бошқа критерияларга қараб белгиланади. Ижобий натижага кўпроқ гормонларга сезир бўлган ўсма касаллигида эришса бўлади, чунки бундай ҳолатда ўсма рак олди ҳолатида узоқ муддат сақланади.

Ўсма касаллигининг прогнози унинг метастазлар бериши билан ҳам белгиланади. Изланишлар шуни кўрсатадики, кўкрак бези саратони метастазлар сони 4 та лимфа тугунидан қўп бўлса, даволаниш самараси кам бўлади. Гематоген метастазлардан кўра маҳаллий метастазларда даволаниш самараси ижобийроқ бўлади. Энг хавфлиси бўлиб, метастазлар узоқ органларга тарқалиб кетиши ҳисобланади. Бундан ташқари онкомаркерлар кўрсаткичи ҳам муҳим рол ўйнайди, унинг миқдори ошиши метастазлар ва қайта ривожланишлар хавфини ошириб юборади.

Кўкрак бези саратонида яшовчанлик 55 % ни ташкил этади. Адекват даво чоралари кўрилмаса, бу кўрсаткич 10 %ни ташкил қиласи. Яшовчанлик даражасига кўплаб факторлар таъсир қиласи. Агар ўсма даражаларига қараб

яшовчанлик аниқланса, ўсманинг бошлангич даражаларида 95 % ни ташкил қилади. Иккинчи босқичда, ўсманинг 5 см гача пайдо бўлишида, ўсма ҳужайраларининг бир икки лимфа тугунларига метастазларида яшовчанлик 55-80 % ни ташкил қилади.

Учинчи ва тўртинчи босқичдаги саратонда яшовчанлик 5-10 % ни ташкил этади. Аммо шунга қарамай, ўз вақтида касалликни аниқлаш, уни даволаш, оператив ва кимё-нур терапияларни бир вақтда олиб бориш, шифокор тавсияларига қатъий риоя қилиш ва соғлом турмуш тарзини олиб бориш ушбу касалликни маълум даражада енгишга имкон беради.

Кўкрак бези саратонини олдини олиш 3 га бўлинади:

**Бирламчи профилактика** бу экологик факторлар ва мойиллик факторларини ўрганиш орқали касалликни олдини олишдир. Бунга атроф-мухитни химоя қилиш, инсон организмига канцероген моддалар таъсирини камайтириш, оиласвий турмуш тарзини нормалаштириш, регуляр жинсий ҳаёт, ўз вақтида фарзандли бўлиш, болани кўкрак сути билан бокиш киради

**Иккиламчи профилактика** бу кўкрак бези саратони олди касалликларини: мастопатиянинг турли формаларини, фиброаденома ва бошқа хавфсиз ўсма касалликлари, шунингдек, эндокрин система бузилишлари, аёллар жинсий аъзолар касалликлари, жигар функцияси бузилишларини эрта аниқлаш ва даволаш.

**Учламчи профилактика** бу огохлантириш, эрта диагностика, рецидив, метастаз ва метахрон ўсмаларни даволаш.

Яқин қариндошларида 45-50 ёшгача саратон касаллиги аниқланганда саратонга мойиллик, кичик ёшларда ҳам кузатилади. Улар қариндошларида қайд этилган муайян турдаги саратоннинг олдини олишга ёрдам берадиган 9 та мезонга қўшимча равишда алоҳида қоидаларга амал қилишлари зарур.

Саратоннинг олдини олишга ёрдам берадиган 9 қоида:

1. Вазнни меъёрда сақланг. Ортиқча вазн ичак, сут бези, жигар, простата бези саратонларини чақиради.
2. Жисмоний фаоллик муҳим. Ҳар куни камида ярим соат пиёда юринг ёки бадантарбия билан шуғулланинг.
3. Юқори калорияли маҳсулотларни истеъмол қиласликка ҳаракат қилинг. Улар таркибида шакар ва ёғлар мавжуд. Яхшиси, 100 г маҳсулот 125 ккал.дан ортиқ бўлмагани маъқул.
4. Кўкат, мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилинг. Кунлик минимал миқдор – 400 г мева-сабзавот (картошка эмас).
5. Қизил гўшт истеъмолини камайтиринг. Яхшиси, ҳафтасига 300-500 граммгача қисқартиринг.
6. Алкоголь қабулини чекланг.

7. Туз истеъмолини камайтиринг. Кунига 6 граммдан кўпи зарар.
8. Саратон профилактикасида БАД қабул қилиш керак эмас.
9. Аёллар гўдакларини эмизишдан бош тортмаслиги лозим. Яхшиси, камида 6 ой давомида болани эмизиш даркор.

Агар сизда кўкрак безида, сўрғичларда хар қандай қаттиқлашган ҳосила пайдо бўлса, юқоридаги белгилар кузатилмаса ҳам зудлик билан шифокор кўригидан ўтинг.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Семиглазов В.Ф. Общие рекомендации по лечению рака молочной железы (позиция Панели экспертов St. Gallen 16-й Международной конференции по терапии рака молочной железы) / В.Ф. Семиглазов [и др.] //Опухоли женской репродуктивной системы. - 2019. Т.15. - № 4. - С. 50-57.
2. O.R.Parpijeva, E.Muydinova, G.Safarova // Breast cancer// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal.Vol. 11, Issue 11, November 2021. 482-485 pages.
3. Parpijeva Odinaxon Rakhmanovna //Nutrition and diet in breast cancer// Texas Journal of Medical Science. Vol. 7. 04-2022. 27-30 pages.
4. Parpijeva Odinakhon Rakhmanovna, Ostanaqulov Alijon Dadajon Ugli, //Modern Scientific Research In Oncological Diseases// The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 3(03), (2021).117-121pages.
5. Parpijeva Odinakhon Rakhmanovna, Ostanaqulov Alijon Dadajon Ugli, //Mental-emotional Disorders in Patients with Oncological Diseases// EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). Volume: 7/ Issue: 4/ Aprel 2021. 232-235 pages.
6. O.Parpiyeva, A.Ostonaqulov //Psychology of patients with oncological diseases// International Scientific JournalISJ Theoretical & Applied Science 06 (74) 2019. Philadelphia, USA. 642-645 pages.
7. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Eleonora Topvoldievna Mirzajonova //The role of psycho-oncology in the treatment of cancer patients// Texas Journal of Medical Science. Vol. 9. 06-2022. 14-17 pages.
8. O.R Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //Health theory// Международный научно-практический журнал “Форум молодых ученых”. Вып №6 (34) 2019. 26-29 pages.
9. Yo.G.Muydinova, O.R.Parpiyeva //Reproductiv salomatlik// О’кув quo’llanma. 2021. Fergana.

- 
10. Odinakhan Rakhmanovna Parpiyeva, Odinakhan Odilovna Djalalidinova //Reproductive Health Issues// Texas Journal of Medical Science. 10-11-2022. 58-61 pages.
  11. O.R.Parpiyeva, O.O.Dzhaldinova //The role of Valeology in raising a healthy generation//Texas Journal of Multidisciplinary Studies. 04-10-2022. 1-3 pages.
  12. O.R.Parpiyeva, E.Muydinova, G.Safarova, N.Boltaboeva //Social and psychological aspects of a healthy life style// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal.Vol. 10, Issue 11, November 2020. 1364-1368 pages.
  13. O.Parpiyeva, A.Ostonaqulov //Drugs to treat the psychological state of the patients and their methods// Международном научно-практическом журнале "Экономика и социум". Выпуск №1 (56) - 2019. 93-97 pages
  14. O.R Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //Thoughts that do not go away from the brain// Международный научно-практический журнал "Мировая наука". Выпуск № 6 (27) - 2019. 9-12 стр.
  15. Парпиева Одинахон Рахмановна //Основы медицинских знаний (часть I)// Учебной пособие. 2021 г. Фергана.
  16. Parpiyeva O.R, Marifjonovna B.N //The effect of harmful habits on human health// Международный научно-практический журнал "Мировая наука" Выпуск №5(26) - 2019. 76-79 pages.
  17. Рузибоева Ёркинай Равшановна, Каримов Азизбек Равшанбекович //Факторы, предрасполагающие к развитию рака шейки матки среди женщин Ферганской области за период 2017-2021гг// Международный научно-практический журнал "Интернаука". Вып №12 (235) 2022. 31-32 стр.
  18. Рузибаева Е. Р, М.Т.Маматкулова //СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФАКТОРОВ РАЗВИТИЯ РАКА ШЕЙКИ МАТКИ ЗА ПЕРИОД 2017-2021 г.г. ПО ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11 | Issue-2 | 2023. 632-637 pages.
  19. Abdumannabovna A. H., Zakirjonovna T. S. THE ROLE OF CABBAGE IN THE PREVENTION OF TUMOR DISEASES //Scientific Impulse. - 2022. - Т. 1. - №. 3. - С. 680-682.
  20. Akhunjonova Hakima Abdumannabovna, Tillaboeva Surayo Zakirjonovna, Turgunbayev Fazliddin son of Avazbek //THE ROLE OF CABBAGE IN THE PREVENTION OF TUMOR DISEASES// Международный научный журнал «Научный импульс» № 3 (100), часть 1. Октябрь, 2022. 699-701 стр.